



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



ЖАЛДІК СҮЗІ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

13 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА № 8 (513). 1993 йил. Сопувда эркин нэрхда.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМДЎСТЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ЭЛ БИЛАН ЭЛНИ, ТИЛ БИЛАН ТИЛНИ, ДИЛ БИЛАН ДИЛНИ ТУТАШТИРУВЧИ МЕХР-ОҚИБАТ КЎПРИГИ БЎЛДИ», —

ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, ТОШКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМИ РУСТАМ АКБАРОВ

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ


12 январь куні Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Далип Мехта мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.



СУРАТДА: Ишонч ёрлигини топшириш пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

Ишонч ёрлиғи топширилиши муносабати билан ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДАЛИП МЕХТА



1971 — 1974 йиллар — Ҳиндистон элчихонасининг биринчи котиби, Прага (Чехославкия)
1975 — 1977 йиллар — Ҳиндистон элчихонасининг биринчи котиби, Тимпу (Бутан)
1977 — 1982 йиллар — Ташқи алоқалар вазир, Янги-Деҳли (Покистон, Африка)
1982 — 1986 йиллар — Ҳиндистон элчихонаси вакилининг ўринбосари, Париж (Франция)
1986 — 1992 йил декабрь ойи — ташқи алоқалар вазир, Янги-Деҳли (шимолий бўлим раҳбари, кейинроқ расмий маросимлар бошқармаси (протокол) бошлиғи)
1992 йил ноябрь ойидан бошлаб — Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси, оилали, бир қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНING БИР ГУРУҲ ҲОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган: Жўраев Маҳмуд — бўлим мудири, Тўлғанов Эркин — бош корректор, Қасимов Мирғисе — бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари, Гофуров Обиджон — масъул котиб.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 12 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВНИНГ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий Сайлов комиссияси Фаргона вилоятининг 444-Чекшўра сайлов округидан ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 1993 йил 10 январь куні бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссиясининг баёнини кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги қонуннинг 21 ва 49-моддаларига мувофиқ мақзур округдан сайланган Фаргона шаҳрида яшовчи, Фаргона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Мухторов Авазхон Мухторовични рўйхатга олди.

Мустақил республикамизда содир бўлаётган ҳар бир ижобий ўзгариш туманимиз меҳнатқашларининг диққат-эътиборида турибди. Марказий Осие мамлакатлари раҳбарларининг янги йилнинг дастлабки кунларидаги Тошкент учрашуви тарих саҳифаларида ўчмас бўлиб қолади. Анжуман ана шуниси билан ҳам иборатлики, у ҳар қандай дабдаба ва шов-шувлардан ҳоли бўлган ҳолда ўтказилди. Бизнинг мамлакатимиз ва Марказий Осие давлатлари учун ҳам куруқ сафсата, тарофқашликдан кўра ҳамжиҳатлик, аниқ самарга эга бўлган ечимлар зарурдир. Беш республика Президентларининг Тошкент учрашуви буни амалда исботлади.

Марказий Осие Ҳамдўстлиги (МОҲ)нинг ташкил этилиши кўнглимизда катта умидлар уйғотди. Бўлингани бўри ер, деган мақол бор. Социализм, деб аталган жамият аҳди ҳам, бахти ҳам бир, ер-суви, тўй-тўйичини ҳам бир бўлган улуг боболаримиз юрти — Туркистонни парчалаб юборди. Биргина она Туркистон эмас, табиат инъом этган бойликларимиз, эътиқод ва гузал анъаналаримиз ҳам парчалаб кетди. Миллатларни бир-бириндан ажратиб, қарама-қарши қилиб қўйиб империализм тактикаси эди.

Қадимий Туркистон давлатларининг қайтадан ихтиёр билан бўлиши замон тақозосидир. Тарихдан бизга маълум бўлганидек, ҳар қандай мажбурий бирлашувлар



вақти келиб, парчаланиб кетиши мумкин. Собик иттифоқ тақдирини бунга ёрқин мисолдир. МОҲнинг ташкил этилиши иқтисодий қарамликдан озод бўлган давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви бўлади. Ҳар бир онла ўз ҳолига ҳаёт кечиради. Лекин қўшилмасиз яшашни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Халқаро муносабатларини ҳам шунга қиёслас бўлади, МОҲга бирлашган давлатлар ҳам ривожланишининг мустақил йўлидан бориб, ўзаро ҳамкорликда яшаш лозими янги афзал кўрилади. Учрашувда Ислам Каримов бот-бот таъкидлаганидек, МОҲнинг ташкил этилиши ҳеч қачон бошқа давлатлар, айниқса, МДҲга аъзо бўлган давлатлар билан бўладиган шартномавий алоқаларга модел қилмайди.

Марказий Осие давлатларининг ихтиёрий бирлашуви манфаатдор томонлар иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишига ижобий таъсир этади. Ислам Каримов республикамиз табиий ресурсларга жуда бой мамлакат эканлигини таъкидлаб келадилар. Аммо биз юртимиз аҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни ортиқча сарф-харajat ҳисобига ҳанузгача олис юртлардан олиб келаётимиз. Қардош Қозғистон эса жуда кўп миқдордаги маъдан, гўшт ва ғалла потенциалига эга. Бошқа республикалар ҳам жуда кўп соҳаларда бизга ҳамкор бўлиши мумкин. Бизда эса тарозининг палласини босадиган пахта ва бошқа бойликлар мавжуд. МОҲнинг ташкил топиши эл билан элни, тил билан тилни, дил билан дилни туташтирувчи меҳр-оқибат кўприғи бўлди.

22 январь куні Беларусининг Минск шаҳрида МДҲ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлади. Марказий Осие давлатлари бошлиқларининг катта анжуман олдидан бўлиб ўтган учрашувлари МДҲ давлатлари ўртасидаги муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

П. НИШОНОВ, (ЎЗА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНЧИМ МАЧЧИ

«ХАЛҚ СҮЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН ЖИНСИ ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

«ТОШКЕНТ — Коттон» Ўзбекистон — Италия фирмаси «Космосой» совхозда барпо этилган «Кўшмо» тикуччилик фабрикасида ишлашни хоҳловчилар орасидан моҳир чеварлар саралаб олинди.

КОРХОНА Япония ва Америкада ишлаб чиқарилган дастоҳлар билан жиҳозланди. Дастлабки тикилган жинси курткалар харидорларга манзур бўлди. Бундан ташқари, ҳорний ишбилармонлар район ҳўжаликларидан етиштирилган пахтани қайта ишлашни йўлга қўйишмоқчи.

ХИВАДА «ЗИЛ» ЧИҚАДИ

ХИВА автомобиль ремонті корхонасида Лихачев номлидаги Москва заводи машиналари ишлаб чиқарилади.

ДАСТЛАБКИ ҳаракатлар бесамавр кетмади. «ЗИЛ» маркали машиналарнинг моторлари учун цилиндр ва поршинлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қўшма Москва ва хивалик ҳамкорлар қадимий ўзбек деярда «ЗИЛ» филиалини барпо этиш тўғрисидаги шартномани имзолади. Ҳозир ўзбекистонлик бир гуруҳ ишлар Лихачев заводида иш ўрганишяпти. Эвазига москвалилар қўшна шаҳарга сафар қилишмоқчи.

ЎРГАНГАН КЎНГІЛ...

БУХОРО шаҳрининг Тўқиччилик районидан ишлаб турган яширин ишратхона фойда этилди.

УЗОҚ кузатишлардан сўнг ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари ишратхона корхоналарни ва йигирмага яқин суяқ оёқ аёллари қўлга олишди. Уларнинг энг ашаддйларидан 12 нафарига маъмурий жазо берилди.

ЕР ОСТИДА МУЗЕЙ-БАР

АМИР ТЕМУРнинг Самарқанддаги «Кўксарой» ўрнида қад кўтарилган меҳмонхона лойиҳаси қонламаётганда, ер ости йўлининг бир қисми топилди.

МУТАХАССИС ва олимларнинг таъкидлашича, бу ерда соҳибқироннинг қурол-яроғлари, қимматбаҳо буюмлари ва бошқа ашёлари сақланган. Қурувчилар уни аслича қолдиришти. Меҳмонхона маъмурияти ана шу йўлда музей ва бар барпо этишмоқчи.

ТАППИ ЕҚИШДАН ҚУТУЛИШДИ

100 хонадонда «зангори олов» ёнди. МУҲНОҚЛИКЛАРНИНГ азалий орауси ушалди. 91 километрлик Кўнғирот—Муёноқ оралиғида газ қувури ётирилди. Бу йил «Ўзбекгазстрой» трести қурувчилари 500 хонадон бекалари мушқулини енгли қилиш ниғтида. Бекалар ҳам зора таппи ёқишдан қутулсан, деишяпти.

КОРЕЯ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИГА МАРҲАМАТ

ТОШКЕНТДАГИ Усмон Носир кўчасида «Сеул» ресторани очилди. ЎЗБЕКИСТОН — Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида ишта туширган емакхонада корей миллий таомлари тайёрланапти. Пойтахт аҳли ва меҳмонларига турли-туман пиширилган маъқул тушди. Шу бонс бу ерда тамадди қилувчилар соні кун сайин ошяпти.

ЯХШИ МУРАББИЙГА—ҲН МИНГ СЎМ

АНДИЖОНДАГИ магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармаси ҳар бир малакали ишчисига яхши шоғир тайёрлагани учун ўн минг сўм берапти.

ПУЛНИНГ олти минг сўми дастлабки уч ой мобайнида, қолгани шоғирди сонидан ўтганидан сўнг эгасига тегаяпти. Бошқармадаги 600 ишчининг аксарияти еш бўльдозерчи, текисловчи ва тракторчи. Тажриба билим юртларидан олинган кўникма ешларнинг касб сирларини эгаллаб мустақил ишлаб кетишлари учун етарли эмаслигини кўрсатди. Шу бонс бошқармада мураббий манфаатдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

М. КАЛОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• Мухбир бонг уради

Ҳар нарсанинг ҳам исми исмига мос бўлгани маъқул, ҳаммадан ҳам, жойларнинг номини ҳам. Кейинги пайларда мустақиллигимиз шарофати билан «Гулстон», «Вўстон», «Гулзор», «Навбахор» каби номлар қўлаймоқда.

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги Кўкча даҳаси — шаҳарнинг энг қадимий, тарихий жойларидан бири. Айниқса, бозор ва қабристон атрофлари доимо гавжум бўлади. Илгарилари шу ердаги дарахтзору гулзорларга боққан қишнинг ҳаваси кетарди. Хаминша соясалқини озода бу маскан одамларнинг дам олиб, ҳордик чинаришлари учун гоёат асётарди. Шу бонсдан Маннон Уйғур ва «1-Оқлон» кўчалари туташган жойдаги бу манзилни кўнчилиқ «Гулзор», «Дарахтзор», «Оромгоҳ» деб атарди. Энди эса шундоқ жойни «Ахлатхона» дейишмоқда ва бунинг сабабини «қисмига яраша шундоқ ном мансуб-да» деб, изохлашмоқда.

Дарҳақиқат, бир пайлар чинакам оромгоҳ бўлган бу жой мана бир неча йиллардики, фойда-тароватини йўқотиб, бутунлай вайронга айланди, қолди. Бундан уч йилча муқаддам унинг ўртасидан қандайдир қазич ишларини бошлашди. Лекин охирига етказишмади. Натияжада кўмилмай қолган бу сохта ариқ турли чиққилару ахлатлар билан тўлиб-тошди. Шу яқин орада ишайдиган аҳоли қўланса ҳидадан бурнини кийиб, жингибийрон бўлаверди. Бирок тулпа-тузук жойда қазич ишларини «мендан кетгунча...» қабилда бажариб, жуфтани ростилаб қолганлар бундай ачинарли манзарани томошолаб бўлишдан нарга ўтишмади. Аҳолининг эса сабр кюсиси тў

га маймун йиғлайди. Шу ёғинли киш қўнларига ҳамма ёқ лой, машиналар ўтолмайди. Айниқса, ханданларга айрим ноинсоф одамларнинг ахлат тўкиб қочилари жонга теги. Энди қўчамизнинг бошидаги ахлатхона то эшикларимизнинг тағигача қўзилапти.

Менинг касбим муҳандис, бироқ кўчамизда қазич ишларини бажарётганларнинг қилмишларини сира тушунолмайман. Нега, қазиниёдо

қувур ташлаб (асосий қисмига) кўмиб ташлашди. Ахир ҳар қувурдан сув ё газ ўтса ҳам уни аввал ахлатлаб синаб кўриб, кейин қўмишмасмиди? Бундада тепа қисмига ҳали қувур ҳам ётирилмаган, нари-бери пайвандаланган бу «иншоот» ишта туширилганда, сув ёки газ отилиб чиқмаслигига ким қаролат беради. Агар шундай бўлса, яна асфальт йўл (ҳали қачон қайта таъмирланиши номаълум) ишта ўйлиб, тағин бир неча йил хуноб бўламизми?

Шу атрофда яшовчи Ботир Ҳошимов, Негмат Азизов ва бошқаларнинг ҳам ҳасратларидан шун серёғини қиш кунларидан ҳам чағи чиқеди. Одамларнинг таъкидлашича шундай боғини ўртасида «жойлашиб олган» машиналарнинг гилдиранларини

ҚАНИ ЎША ГУЛЗОРЛАР?

ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОВУР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА

1989 йилда бу ҳақда «Тошкент оқшони» рўзномасида таърихий мақола ҳам босилди. Унга собиқ Октябрь (ҳозирги Шайхонтовро) тумани миқрога кўмитасидан ажойиб навоб ҳам йўлашди. Унда таъкидланганича ўё қазилган ханданлар бутунлай кўмилиб, текисланган. Ахлатхоналар бошқа жойга кўчирилган. Хуллас, ҳамма камчиликлар рисоладагидек қилиб тузатилган эди.

Ҳар нарсанинг ҳам исми исмига мос бўлгани маъқул, ҳаммадан ҳам, жойларнинг номини ҳам. Кейинги пайларда мустақиллигимиз шарофати билан «Гулстон», «Вўстон», «Гулзор», «Навбахор» каби номлар қўлаймоқда.

